

1-СОНЛИ ИЖАРА ШАРТНОМАСИ

Питнак шаҳар

«05» январ 2022 йил

Ушбу шартномани тузувчилар “Мулк эгаси” «Питнак Дарвоза» МЧЖ келгусида “Ижарага берувчи деб аталувчи ва келгусида (кейинчалик) “Ижарага олувчи” деб аталувчи АТБ “Кишлоқ қурилиш банк” Хоразм минтакавий қуйидагилар ҳақида шартнома тузадилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

“Ижарага берувчи Питнак Дарвоза» МЧЖга қарашли умумий ер майдони 80 кв.м булган Тупроққалъа тумани Навбахор маҳалласи К.Отаниёзов кучаси 7/1 уйнинг 1-каватида жойлашган бинони “Ижарага олувчи”га ижарага беради.

1.2. “Ижарага олувчи” ижарага олган кўчмас мулк учун ижара ҳақи тўлашни ўз зиммасига олади.

1.3. “Ижарага олувчи” ижарага олинган мулкдан Банк хизматлари курсатиш маркази ташкил қилиш учун фойдаланади.

II. ИЖАРА МУДДАТИ, ИЖАРА ҲАҚИ МИҚДОРИ, УНИ ТўЛАШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ.

2.1. Мазкур ижара шартномаси 12 ой муддатга тузилди.

2.2. “Ижарага олувчи” шартномани 1.1.-бандида кўрсатилган мулк, (бино, хона)дан фойдаланганлиги учун томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ 12 ой муддатга жами 30 000 000 (уттиз миллион) сўм, ҳар ойига 2 500 000 (Икки миллион беш юз минг) сўм ижара ҳақи тўлайди.

2.3. Ижара ҳақига бинодан фойдаланиш харажатлари, коммунал хизматлар (газ, сув, иссиқ сув ва канализация хизматлар) ҳақлари қиради.

2.4. Ижара ҳақини томонлардан бирининг талаби билан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2.5. Ижара ҳақи “Ижарага олувчи” томонидан ҳар бир ой учун кейинги ойнинг 10 (Ун) кунигача тўланади.

2.6. Ижара ҳақи “Ижарага олувчи” томонидан пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

III. ”ИЖАРАГА БЕРУВЧИ”НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. “Ижарага берувчи” (“Мулк эгаси”) “Ижарага олувчи”га ижарага олинган мулк (бино, хона)ни фойдаланишга далолатнома асосида топширади.

3.2. “Ижарага берувчи” коммунал хизматлар (бино учун мулк солиғини) тўлаш мажбуриятини олади.

3.3. “Ижарага берувчи” (“Мулк эгаси”) ижарага берилган мулк (бино, хона)ни техника хавфсизлигини, табиатни муҳофазасини ва ёнғинга қарши чора-тадбирларни қўллаш вазифаларини ўз назоратига олади.

3.4. “Ижарага берувчи” (“Мулк эгаси”) “Ижарага олувчи”га ижарага берилаётган бинога эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар мавжудлигини тасдиқлайди ва мазкур бино (хона)ни бошқа шахсларга ижарага берилмаганлигини, гаровга қўйилмаганлигини, сотилмаганлигини кафолатлайди ва келиб чиқадиган мулкий низоларга масъул ҳисобланади.

IV. “ИЖАРАГА ОЛУВЧИ”НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Ушбу шартномани 1.1.-бандида кўрсатилган мулкни далолатнома асосида қабул қилиб олади ҳамда:

- ижарага олинган мулк (бино, хона)дан шартнома шартлари асосида фойдаланиши;
- ижарага олинган мулкни ишга яроқли ҳолда сақлаш ва уни жорий таъмирлаш бўйича харажатлар қилишни;
- мулк (бино, хона)ни озода сақлаши, барча санитар ва ёнғинга қарши қоидаларга амал қилишни;
- фаолияти учун зарур бўлган Қонунда белгиланган барча талабларни бажариш мажбуриятини “Ижарага олувчи” ўз зиммасига олади.

4.2. “Ижарага олувчи” “Ижарага берувчи” (“Мулк эгаси”)нинг ёзма руҳсатисиз ижара бўйича жавобгарликни бошқа шахсларга ёки ташкилотларга бериши, шунингдек мулкни тўлалигича ёки бир қисмини иккиламчи ижара (субижара)га бериш ҳуқуқига эга эмас.

4.3. “Ижарага олувчи” ижара шартномасини муддати тугагач ёки бекор қилинганда ижарага олинган мулкни қабул қилган ҳолатда “Ижарага берувчи”га далолатнома асосида топшириши шарт.

4.4. “Ижарага олувчи” ижарага олган мулк (бино, хона)ни “Ижарага берувчи”нинг руҳсатисиз тўлиқ таъмирлаш, қайта қуриш ва ўз мақсадларига мувофиқ мослаштириш ҳуқуқига эга эмас.

4.5. “Ижарага олувчи” ўз фаолияти билан боғлиқ бўлган тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг ижро этилмаслиги ёки тегишлича бажарилмаганлиги бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган, шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган шартлар бўйича моддий жавобгар ҳисобланадилар.

5.2. “Ижарага олувчи” томонидан ижара ҳақини ойлар бўйича белгиланган муддатда тўланмаса, ҳар бир тўланмаган кун учун 0,4 фоиз миқдорда пеня ундирилади, лекин тўланадиган ижара ҳақининг 10 фоиз миқдоридан ошмаган ҳолда. Ижара ҳақи тўловлари бўйича “Ижарага олувчи” қарзи уч ойдан ортиб кетса “Ижарага берувчи” шартномани тегишли тартибда бир томонлама бекор қилиб, ижарага олган майдонни бўшатиш чораси кўрилади.

5.3. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Фуқаролик кодекси ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

5.4. “Ижарага олувчи” мулкни шартномада кўрсатилган мақсадга мувофиқ ишлатмаса ёки рухсатсиз бошқа мақсадларда фойдаланса, шартнома муддатидан олдин бекор қилиниб келтирилган моддий зарарни тўлаш мажбурияти юқлатилади ҳамда ижара ҳақининг 25 фоизи миқдори ҳисобида жарима солинади.

5.5. Томонлар ўз реквизитлари ва манзилгоҳлари ўзгарганлиги тўғрисида 3 (уч) кун муддат ичида хабар қилишлари шарт.

VI. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ҲАМДА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ.

6.1. Ушбу ижара шартномаси 2022 йил “05” январдан 2022 йил “31” декабргача тузилди.

6.2. Шартнома имзоланган пайтдан бошлаб қонунийдир. Шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини тегишли даражада бажарган “Ижарага олувчи” шартномага амал қилиш муддати тугаши билан қайта тиклашда устивор ҳуқуқга эга бўлади. Агар томонлардан бири шартномани тўхтатиш истагини билдирмаса, шартнома ушбу шартномада назарда тутилган шартларда ва муддатларда чўзилган ҳисобланади.

6.3. Шартнома куйидаги ҳолларда ўзгартирилади ёки бекор қилинади:

- “Ижарага олувчи”нинг ёзма аризасига биноан;
- шартнома муддати тугаганда;
- мулкдан шартноманинг 1.3.-бандида кўрсатилган мақсадларга зид равишда фойдаланса;
- тарафлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаса;
- ижара тўловларини сурункасига 3 уч ой тўламаса;
- “Ижарага берувчи”нинг ёзма огохлантиришга кўра (камида уч ой аввал).

6.4. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва унга амал қилиш ҳамда бекор қилинишида пайдо бўлган бахслар Суд ёки Хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

6.5. Томонлар ёзма равишда ижара шартномаларини бекор қилишлари ҳақида бир ой олдиндан огохлантиришлари шарт, акс ҳолда келтирилган зарар қонунчилик йўли билан ундириб олинади.

6.6. Ушбу шартнома 2 (уч) нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга. Биринчи нусхаси “Ижарага берувчи”да, иккинчи нусхаси “Ижарага олувчи”да МЧЖда сақланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

“ИЖАРАГА БЕРУВЧИ”
«Питнак Дарвоза» МЧЖ

“ИЖАРАГА ОЛУВЧИ”
АТБ “Кишлоқ қурилиш банк” Хоразм
минтакавий филиали

Манзил: Питнак шаҳри Хазорасп кўчаси 3/8А уй
Х/р: 20208000904356062001

МФО: 00818 АТ Халқ банки Питнак филиали

СТИР: 205235703

МЧЖ раҳбари:  Б.Бобоев

Юрист: _____

Манзил: Урганч шаҳар Ал Хоразмий 19 уй
Х/р: 16103000600000553001

МФО: 00553 АТБ “Кишлоқ қурилиш банк”

СТИР: 200903129

Бошқарувчи:  Д.Атажанов

Юрист:  Х.Кодиров

